

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик тарқалишига қарши курашиш ва шифохона ичи инфекцияларини профилактика қилиш бўйича қўшимча чоралари тўғрисида» 2018 йил 22 июндаги ПҚ-3800-сонли**

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRINING**

**BUYRUGI**

2018yil“02”07

№ 421

Toshkent sh.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик тарқалишига қарши курашиш ва шифохона ичи инфекцияларини профилактика қилиш бўйича қўшимча чоралари тўғрисида» 2018 йил 22 июндаги ПҚ-3800-сонли Қарори ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик тарқалишига қарши курашиш ва шифохона ичи инфекцияларини профилактика қилиш бўйича қўшимча чоралари тўғрисида» 2018 йил 22 июндаги ПҚ-3800-сонли Қарори ижросини таъминлаш мақсадида буюраман:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик тарқалишига қарши курашиш ва шифохона ичи инфекцияларини профилактика қилиш бўйича қўшимча чоралари тўғрисида» 2018 йил 22 июндаги ПҚ-3800-сонли Қарори (бундан буён-Қарор) раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар:

Қарор ижросини таъминлаш юзасидан Соғлиқни сақлаш вазирлигининг чора-тадбирлари режаси 1-иловага;

Қарорни Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизими муассасалари томонидан бажарилишини мониторинг қилиш грухи таркиби 2-иловага;

Қарорни Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизими муассасалари томонидан бажарилишида тиббиёт муассасаларига амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида ҳудудларга бириктирилган масъул ходимлар рўйхати 3-иловага;

---

Қарор ижросини таъминлаш юзасидан Соғлиқни сақлаш вазирлигининг чора-тадбирлар режасини бажарилиши түғрисида ҳисобот шакли 4 - иловага:

Қарор ижроси бўйича маълумотларни тақдим этиш тартиби 5-иловага мувофиқ тасдиқлансан.

3. СЭНББ (Мирзабаев Д.), ИМ ва ИАББ (Эргашев Б.), Нодавлат ташкилотларининг тиббий фаолиятини лицензиялаш бошқармаси (Рахимкулов Ф.), Б ва ИҚРКТМНБ бошқармаси (Норбеков А.), ДПЁТББ (Шарипов Ф.). Рес ДСЭНМ (Алматов Б.) малакали мутахассислардан ишчи гурух ташкил этиб:

икки ой муддатда. Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат кўмитаси билан келишган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига дастлабки босқичда соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғинида тажриба лойиҳаларини жорий этишни, кейинчалик ижобий тажрибани республиканинг барча минтақаларида ёйишни назарда тутган ҳолда тиббий асбобларни стерилизация қилиш ва тиббиёт чиқиндиларини утилизация қилиш соҳасида давлат-хусусий шерикликни босқичма-босқич жорий этиш ҳақида таклифлар киритсин;

икки ой муддатда, Уй-жой-коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги. "Ўзбекэнерго" АЖ, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан келишилган ҳолда даволаш-профилактика муассасалари, шу жумладан, марказий стерилизация бўлимлари ва операция блокларини сув, газ ва электр энергияси билан узлуксиз таъминланганлиги ҳолагини ўрганиб чиқсин ва ҳар бир минтака бўйича уларни давлат ривожланиш дастурларига киритиш бўйича биринчи навбатдаги таклифларни тайёрласин.

4. ДПЁТББ (Шарипов Ф.), ИМ ва ИАББ (Эргашев Б.), Б ва ИҚРКТМНБ бошқармаси (Норбеков А.), Республика ОИТСга қарши кураш маркази (Атабеков Н.), Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда республика минтақаларида ОИВ инфекцияси юқсан шахсларни стационарда даволаш билан қамраб олинишини кўпайтиришга ҳамда даволаш-профилактика муассасаларини кўп марта ва бир марта ишлатиладиган тиббий асбоблар, тиббиёт буюмлари ва сарфлаш материаллари билан тўлиқ таъминлаш чораларини кўрсинг.

5. СЭНББ (Мирзабаев Д.), ДПЁТББ (Шарипов Ф.), ОвабМҚББ (Садиков М.). Рес ДСЭНМ (Алматов Б.), Республика ОИТСга қарши кураш маркази (Атабеков Н.):

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент

---

шахри ҳокимликлари билан биргаликда тегишли худудда ва умуман республика бўйича ОИВ инфекцияси ва касалхона ичи инфекциялари тарқалиши профилактикасининг ҳолати доимий равишда комплекс баҳоланишини таъминласин, уларнинг ҳолати ёмонлашган ҳолларда аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиб, амалётга жорий этсин;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда жазони ижро этиш муассасаларида ҳамда ички ишлар органларининг тиббиёт муассасаларида эпидемиологик назорат ва ОИВ инфекцияси ва касалхона ички инфекциялари тарқалиши устидан назорат қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиб, ўрнатилган тарт ибда тасдиқлатсин ва ижросини назоратга олсин.

6. Республика ОИТСга қарши кураш маркази (Атабеков Н.), Жамияг саломатлиги ва соғлиқни сақлашни ташкил этиш ИТИ (Муталова З.), ССВ Матбуот хизмати (Санаев Ф.) "Узмедиинфо" Электрон соғлиқни сақлашни ривожлантириш маркази (Усмонов Д.), Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири, Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси ва вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари бошлиқлари, Адлия вазирлиги. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси хузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш республика кенгаши, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси манфаатдор вазирликлар ва идоралар, жамоат ташкилотлари билан биргаликда мавзули материалларни эълон қилиш, теле ва радио эшиттиришлар туркумларини ташкил этиш йўли билан аҳоли орасида ОИВ инфекцияси профилактикасининг долзарб масалаларини мунтазам ва кенг ёритилишини таъминласин.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Соглиқни сақлаш вазири. Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси ва вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари бошлиқларига:

ОИВ инфекциясига қарши курашиш бўйича ҳудудий комиссиялар йиғилишларини 3 кун муддатда ўтказиб, маҳаллий шароит ва мавжуд муаммоларни ҳисобга олгам ҳолда, ҳудудий (вилоят, шаҳар. туман) соҳа дастурини ишлаб чиқиб тасдиқлансан ва нусхаси Республика ОИТСга қарши курашиш марказига тақдим этилсин;

чора-тадбирлар режасида кўрсатилиб ўтилган вазифаларни белгиланган муддатда ва сифатли ижро этилиши бўйича йиғилишлар ўтказиб. ҳисботларни Соғлиқни сақлаш вазирлигининг мониторинг гуруҳига 4 ва 5-иловада кўрсатилган шакл ва муддатларда тақдим этилсин;

туман ва шаҳар ҳудудий дастурларининг ижроси устидан доимий назорат

---

урнатилсин.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири. Тошкент шаҳар ва вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари бошлиқларига Қарор ижросини таъминлаш юзасидан шахсий жавобгарлик юклатилсин.

9. Қарорда белгиланган тадбирлар ижросини назорат қилиш ва жойлардаги мутахассисларга амалий ёрдам кўрсатиш учун ҳудудларга бириктирилган масъуллар зиммасига куйидагилар юклатилсин:

худудий тармок дастурларининг ишлаб чиқилишида амалий ёрдам кўрсатиш;

хар чоракда бир марта, ўзлари бириктирилган ҳудудга чиқиб. Қарорнинг ижросини таҳлил килиб бориш ва Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири, Тошкент шаҳар ва вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари томонидан вазирликнинг мониторинг гуруҳига, хар чорак якунида, ахборот бериб борилишини назоратга олиш.

10. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Мониторинг гуруҳи (Сайдалиев С.) Қарор ижроси бўйича тегишли маълумотларни белгиланган муддатларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига такдим этилишини таъминласин.

## **Вазир**

**А. Шадманов**

1 - ilova - [Кўчириб олиш](#)

2 - 3 ilova - [Кўчириб олиш](#)

4 - ilova - [Кўчириб олиш](#)

5 - ilova - [Кўчириб олиш](#)